



Mahalla

ШАНБА

2014 йил 12 апрель,
№32 (999)

www.mahallagzt.uz info@mahallagzt.uz

КОМИССИЯЛАР ФАОЛИЯТИДАН



Ёш, умидли ниҳоллар «Боғистон» келажаги

Пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги «Боғистон» маҳалла фуқаролар йиғини ёшлари учун Соғлом бола йили қувончли бошланди: саховатпеша тадбиркорлар томонидан ҳудудда замонавий болалар спорт майдончаси қурилиб, фойдаланишга топширилди.

■ Улугбек ШОНАЗАРОВ.

— Илгари спорт майдончамиздаги аҳвол талаб даражасида бўлмагани са-

бабли қўшни маҳаллаларга бориб шуғулланишга тўғри келарди, — дейди 34-уйда яшовчи Фаёзбек Каримов. — Яқинда майдончамиз «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Чилонзор тумани бўлин-


маси кўмагида қайта таъмирланди. Бу ишдан беҳад хурсанд бўлиб, тенгдошларим аynи пайтда машғулотлар билан банд.

Хайрли ишларда ёшлар ҳам ташаббус кўрсатаётгани йигин қошидаги Вояга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари бўйича комиссия иши яхши йўлга қўйилганидан далолатдир.

> [4]

НАМУНАЛИ БЎЛИНМА

Услубий ва амалий кўмак — бирламчи вазифа



Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, мазмун-моҳиятига кўра, инсон ҳуқуқи ва манфаатларини таъминлаш, ҳар биримизнинг фаровон яшашимиз учун зарур шарт-шароит яратиб беришга йўналтирилган.

■ Холбиби САФАРОВА
«Mahalla»

Шу маънода «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги ҳамда «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги янги тахрирдаги қонунларга мувофиқ ишлаб чиқилган қонуности ҳужжатлар, маҳалла тизимида оид ҳуқуқий асослардан қўзланган мақсад ҳам, аввало, юрт равнақи ва эл фаровонлигига эришишдан иборатдир.

«Маҳалла» хайрия жамоат фондининг Навбахор тумани бўлинмаси ҳудуддаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ана шу эзгу мақсадни юзага чиқаришда услубий-амалий ёрдам кўрсатиш билан бира, кам таъминланган оилалар ва ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларни моддий-маънавий қўллаб-қувватлаш борасида ҳам муайян ишларни амалга оширмоқда.

> [2]

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўртинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

2014 йил 11 апрель куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўртинчи ялпи мажлиси ўз ишини давом эттирди.

Сенаторлар ялпи мажлисининг иккинчи кунини **Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг 2013 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботини** муҳокама қилишдан бошлади. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг 2013 йилдаги фаолияти Давлат раҳбари томонидан 2013 йил 18 январда бўлиб ўтган, 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида белгилаб берилган вазифалар асосида амалга оширилганлиги қайд этилди. Ҳисобот йилида Ҳисоб палатаси томонидан мамлакатнинг турли вазирликлари ва идораларида 43 та йўналиш бўйича 252 та объектда назорат тадбирлари ўтказилди.

Бюджет қонунчилигига мувофиқ Давлат бюджетини шакллантириш ва ижро этиш устидан республика миқёсида ҳам, маҳаллий кўламда ҳам тизимли назорат ташкил этилди, бюджет маблағларидан фойдаланишнинг қонунийлиги, самарадорлиги ва мақсадга мувофиқлиги текширилди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси бюджетдан ташқари фондларининг Давлат бюджетига жамланганлиги мобиллари тўлиқ шакллантирилиши, мақсадли ва оқилона сарфланиши устидан узлуқсиз назорат амалга ошириб борилди. Амалга оширилган ишлар натижасида ҳисобот йилида давлат ёки хўжалик юритувчи субъектларнинг манфаатларига етказилган етмиш миллиард сўмдан кўпроқ зарарнинг ўрни қоплатилишига эришилди.

Масалани муҳокама қилиш жараёнида сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг назорат тадбирларини кучайтириш ҳамда уларнинг самарадорлигини ошириш, молиявий ҳуқуқбузарликларни қисқартириш ва келгусида уларнинг олдини олиш бўйича зарур чоралар кўришга қаратилган ўз тақлиф ва тавсияларини билдирди.

Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг ҳисоботини муҳокама қилиш вақтида кўрсатиб ўтилганидек, **Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2013 йилдаги** фаолияти атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини таъминлашга, мамлакатимизда экологик вазиятни соғломлаштиришга қаратилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2013 йил 29 мартдаги «Ўзбекистон Республика-

си Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2012 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи ҳақида»ги Қарорини амалга ошириш мақсадида қабул қилинган тадбирлар дастурига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан ушбу дастурнинг 14 та асосий йўналиши бўйича 48 та тадбирнинг бажарилиши таъминланди. 2013-2017 йилларда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича ҳаракат дастурини, шунингдек, унинг асосида қабул қилинган ҳудудий дастурларни рўйбга чиқаришга алоҳида эътибор берилди.

Табиати муҳофаза қилиш тадбирларининг бажарилиши натижасида мамлакатнинг саноат корхоналарида атмосферага идфослан-тирувчи моддаларни чиқариб ташлаш анча миқдорда — 111,6 тоннага қисқартирилди. Мамлакат минтақаларидаги ижтимоий аҳамиятга молик объектларда қайта тикландиган энергия манбаларини жорий этиш борасида аниқ мақсадли ишлар олиб борилмоқда. Чунончи, Фарғона, Сурхондарё, Қашқадарё, Навоий, Хоразм, Самарқанд, Сирдарё ва Бухоро вилоятларининг бир қатор ижтимоий аҳамиятга эга объектларида қуёш фотозелектрик станцияларини тайёрлаш, монтаж қилиш ва ўрнатиш бўйича тайёр-гарлик ишлари тугалланди.

Ҳисоботни муҳокама қилиш асносида сенаторлар Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг фаолиятини янада такомиллаштириш, унинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича ҳаракатлар дастурларини рўйбга чиқариш борасидаги ишнинг самарадорлигини ошириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан таъсирчан экологик назорат ўрнатиш бўйича қўшимча чоралар кўриш юзасидан аниқ тақлиф ва тавсияларни баён этдилар.

Сенаторлар **Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2013 йилда давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар фаолиятидаги қонунийликнинг ҳолати тўғрисидаги ахборотини** тинглади. Ўтган даврда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан давлат бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи тузилмалар фаолиятида қонунийликни таъминлаш ва мустаҳкамлаш, шунингдек, қонун ижодкорлигини янада такомиллаштириш, жамиятда ҳуқуқий онгни ва ҳуқуқий моданиятни ошириш бўйича муайян ишлар қилинганлиги кўрсатиб ўтилди.

(Давомий 2-бетда).

ҚАРОР ВА ИЖРО

Диний бағрикенглик ва виждон эркинлигининг амалдаги ифодаси

Президентимиз «Юксак маънавият — энгилмас куч» китобида «Дунёвий ва диний қадриятлар бир-бирини тўлдирмас экан, бугунги куннинг оғир ва мураккаб саволларига тўлақонли жавоб топиш осон бўлмайди», дея таъкидлаган эдилар.

■ Юлдуз ҲОЖИЕВА
«Mahalla»

Дарҳақиқат, кўп миллатли ва кўпконфессияли мамлакатимизда динлар ўртосида ҳамжиҳатлик, дин ва давлат муносабатларининг одилона йўлга қўйилгани, таълим муассасаларида дунёвий билимлар ва диний қад-

риятларнинг уйғунлиқда ўргатилаётгани боис барқарор маънавий муҳит ҳукм сурмоқда. Мустақиллик йилларида юртимизда дин соҳасидаги фаолиятни такомиллаштириш бўйича Президентимизнинг 16 та формони, Вазирлар Маҳкамасининг 50 дан ортиқ қарори қабул қилинди. Этикад эркинлиги учун кенг йўл очилди. Диний муносабатлар «Дунёвийлик да-

рийлик эмас» тамойили ҳамда «Инсон этикадосиз яшай олмайди», деган аниқ ишонч асосида қатъий белгиланди. Зотан, самовий динларнинг барчаси эзгулик ғояларига асосланади, улар ҳалоллик, тинчлик, яхшилик ва дўстлик каби бир канча эзгу фазилатларга таянади. Кишиларни поклик, меҳр-оқибат, инсонпарварликка даъват этади.

Халқимизга хос бағрикенглик, турли этикод ва маданиятларга ҳурмат билан қаралаётгани боис, юртимизда диний, миллий, ирқий камситишлар ва низолар қузатилмайди. Тинч ва тотув яшаётган

130 дан зиёд миллат ва элат вакиллари аynи пайтда мамлакатимиздаги 16 та диний конфессия, кўплаб диний ташкилотларга бирлашган. Конституциямиз кафолатлаб берган тенгҳуқуқлик асосида демократик, ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти қуриш йўлида ягона оиладек ҳамжиҳат сазй-ҳаракат қилиш шартини ҳам давлатимиз раҳбари олиб бораётган адолатли сиёсат натижасидир.

Диний бағрикенглик ғоялари, динлараро дўстлик ва ҳамкорликни ривожлантиришга йўналтирилган бундай кенг қамровли

тадбирлар юртимизда диний расм-русумларнинг эмин-эркин бажарилишига омил бўлмоқда. Бироқ бундай ҳолат оғохликни су-сайтириш, беҳавотирликка бери-лишга асос бўла олмайди. Зотан, яратилган эркинликлар, қўлай шарт-шароитлардан фарзли мақсадларда фойдаланишга, нотўғри таълимот орқали аҳоли, айниқса, ёшларни ҳақиқат йўлидан адаштиришга уриноётганлар ҳам учраётгани кишини ташвишга солади.

Ахборот тарқатиш осонлашган бир пайтда миссионерлар ўз мутаассиб қарашларини турли

шакл ва усулларда ёйишга ури-наётдилар. Фарзандларимизни ўзларининг қабих истаклари қурбонига айлантиришда интернет тармоғи улар учун ҳар жиҳатдан қўлай ва самарали восита бўлиб хизмат қилаётгани ҳам бор гап. Аммо бундай тузоқлар кўпроқ кимларни, тўғрисида, қандай кишиларни домига тартаётди? Миссионерларнинг пуч ғояларига эрга-шаётганларнинг диний-маърифий қўниммаси қай даражада шаклланган? Битта бўлса-да, ўз измига со-лланган тарафдорини миссионерлар қандай авромодда?

> [2]

НАМАНГАН ТОМОНЛАРДА

Йиғинларга янги бинолар

Жорий йил Норин туманидаги 57-та маҳалла фуқаролар йиғинининг барчасида қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб бориш режаси таъминланган.

■ Жамшид БЕК
«Mahalla»

Ўтган уч ой давомида «Тўлқин» ва «Бўригеп» маҳаллаларида фуқаролар йиғини учун замонавий лойиҳа асосида янги бинолар қуриб берилди. Аynи вақтда «Катта Ўлмас» ва Бобур номидаги маҳаллаларда ҳам шу мақсаддаги бунёдкорлик ишлари бажаришмоқда.

— Шу билан бирга ўн бешта йиғин идораси муқаммал таъмирланди, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлинмаси масъул котиби Дилором Исмонова. — Уларнинг барчаси янги мебель жиҳозлари, компьютер ҳамда алоқа воситалари билан таъминланиб, тизим ходимларига қўлай иш шaroити яратилмоқда.

Туман ҳокимлиги ҳамда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ҳудудий бўлинмаси сазй-ҳаракатлари билан йил охиригача барча фуқаролар йиғини янги-ча қўриниш касб этади. Бу мақсадга Фонд маблағларидан ташқари, ҳомийлар кўмаги ҳам жалб этилиб, ҳашар усулидан кенг фойдаланилган.

Бунёдкорлик иштиёқида

Янгиқўрган тумани маҳаллаларида аҳолига маиший хизмат кўрсатиш шохбчалари сонини кўпайтириш орқали сервисни ривожлантириш ва бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Биргина март ойида Наврўзобод, Бирлашган, Қорапаловон қишлоқларида ўнга яқин ана шундай шохбча иш бошлади. Жумладан, «Бирлик» маҳалласида замонавий қўринишдаги, сунъий қопламали кичик стадион, «Ўрта» маҳалласида сартарошхона, пойабзал таъмирлаш устaxonаси, коммунал ва уяли алоқа тўловлари учун «Раунет» хизматини жамлаган мажмуа фойдаланишга топширилди.

— «Қорапаловон» маҳалласи аҳоли эса ўз ҳудуддаги «Маданият уйи»ни ҳашар йўли билан тўла таъмирдан чиқармоқда, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлинмаси масъул котиби Орифжон Олимов. — Бу каби бунёдкорлик ишларига фуқаролар йиғини фаоллари билан бирга, маҳаллий тадбиркорлар ҳам бош қўшаётгани қувонarli. Янгиқўрган шаҳарчасидаги «Бешбулоқ» маҳалласида тадбиркор Одилжон Холматов томонидан ишга туширилган савдо мажмуаси ушбу ҳамкорлик самарасидир.

Таъкидлаш жоизки, Соғлом бола йилининг биринчи чорагида туман маҳаллаларида 17 та янги шохбча барпо этилиб, 30 дан зиёд қўшимча иш ўринлари яратилди.

«ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ — 2014»

Ўзбекистон спортчилари олимпиадага йўлланма олди

Тошкентда давом этаётган спорт гимнастикаси бўйича ўсмирлар ва қизлар ўртасидаги Осиё чемпионатида спортчиларимиз Хитойнинг Нанкин шаҳрида бўладиган ўсмирлар ўртасидаги II Олимпия ўйинларига иккита йўлланмани қўлга киритди.

> [4]



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўртинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Айрим давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органларининг норма ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини мониторинг қилиб бориш доирасида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралари томонидан тақдим этилган мингдан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ҳуқуқий экспертиза қилинган. Идоравий норма ижодкорлиги соҳасида вазирлик ва идораларнинг 403 та ҳужжати давлат рўйхатидан ўтган.

Бунда мониторинг асосида аниқланган қонун ҳужжатларини бузиш ҳолларини бартараф этишга алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Қонунчиликка rioя этилишини назорат қилиш бош бошқармаси томонидан 18 та давлат тузилмаси тизимида 16 та мониторинг текшируви ўтказилиб, уларнинг натижалари бўйича давлат тузилмалари фаолиятида қонун ҳужжатлари талабларига rioя этилишини таъминлаш юзасидан аниқ чоралар қўрилган.

Аниқланган камчиликлар бўйича адлия органлари томонидан қоидабузорликларни, шунингдек, уларнинг содир этилишига имкон берадиган сабаблар ва шароитларни бартараф этишга, жамиятда қонун

нинг, қонунийликнинг устуңлигини қарор топтиришга қаратилган 957 та тасир кўрсатиш чораси кўрилган. Манфаатдор вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларига идоровий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда аниқланган камчиликларни тўлдирш ҳамда зиддиятларни бартараф этишга қаратилган 30 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатни ишлаб чиқиш тақлиф қилинган, уларнинг норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш бўйича аниқ чоралар амалга оширилган.

Муҳокама жараёнида сенаторлар давлат органлари, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари фаолиятида қонунийликка rioя этилиши устидан тизимли назоратни кучайтириш, шунингдек, давлат бошқаруви органларининг норма ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш, жамиятда ҳуқуқий маданиятни ошириш бўйича ишларни ташкил этиш юзасидан бир қатор тавсиялар ва тақлифларни билдирдилар.

Шундан кейин сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий ҳўжалик суди таркибига ўзгартишлар киритиш масалаларини, шунингдек, Олий Мажлис Сенати ваколатларига қирадиган бошқа масалаларни кўриб чиқдилар.

Кўриб чиқилган ҳамма масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

Сенатнинг икки кўнлик мажлисида 16

та масала, шу жумладан, 7 та қонун кўриб чиқилди. Демократик ислохотларни босқичма-босқич ва изчил қўқурлаштириб бориш, давлат ҳокимияти тизимини модернизациялаш, фўқаролик жамиятини шакллантириш ишида «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»(32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)ғи ҳамда «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонунларнинг қабул қилинганлиги ғоят муҳим аҳамиятга эга. Сенат томонидан кўриб чиқилган ва маъқуланган «Қўққубузорликлар профилактикаси тўғрисида»ги, янги тахиридаги «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунларни ва бошқа қонун ҳужжатларини рўёбга чиқариш бозор ислохотларини, ижтимоий-иқтисодий ислохотларни янада қўқурлаштириш, аҳоли турмуш даражасини ошириш, мамлакатимизда ҳавфсизликни, барқарорликни ва фаровонлиқни таъминлашнинг муҳим омили бўлади.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўртинчи ялпи мажлиси ўз ишини тавомолади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати

БАЙНАЛМИЛАЛ МАҲАЛЛА

Тил ва дин турфаю мақсад ягона

Аҳмад Яссавий номидаги маҳалла фўқаролар йиғини Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ туманида жойлашган. Маҳалланинг ибрат олса арзигулик жиҳатлари бисёр. Йиғинда уч минг нафарга яқин аҳоли истиқомат қилади.



■ Садоқат МАХСУМОВА «Mahalla»

Маҳалладаги дўстлик, аҳил-иноклик ва яқин қўшнчилик муносабатларига гувоҳ бўлган киши беихтиёр: «Бу ер меҳр-оқибат масканига айланибди, одамлари бир оила аъзоларидек аҳил» деган фикрга келади.

Йигин ҳудудида истиқомат қилаётган турли миллат вакиллари бир-бирининг аънана ва урф-одатларини қадрлашди, уюштирилган ҳар қандай тадбир ҳолқ сайлига, хурсандчиликка айланиб кетади, дастурхонларга турли-туман таомлар тортилади.

Бундай эзгу ишларнинг бошида турган йигин мутасаддилари барча миллат вакилларини миллий бошқарув тизимининг ўзига хос институти ҳисобланган маҳаллага жалб этган. Маҳалла раиси Вичина Пак корей миллиятдан. Ундан зиёд миллат вакиллари ҳамжиҳат яшаб келаётган маҳаллада комиссиялар иши, «Маслаҳат маркази», «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси фаолияти муайян тизим асосида ташкил этилган.

— Маҳалламизда истиқомат қилаётган турли миллат вакиллари бир-бирларининг маданияти, урф-одати, аъноналарига ҳурмат билан муносабатда бўладилар, — дейди маҳалла раиси Вичина Пак. — Ҳудуддаги 33-умумтаълим мактаби ва Агросаноат касб-ҳунар коллежи би-

лан ҳамкорликда маданий тадбирлар мунтазам ўтказиб турилади. Унда маҳалла аҳли миллий ўйин ва қўшиқларини намойиш этади.

Диёримизда турли миллат вакилларининг тинч-тотув, ўзаро ҳамжиҳатликда яшashi, юрт равнақи, эл фаровонлигига ўз ҳиссаларини қўйиши учун борча имкониятлар мавжуд. Шунингдек, турли миллатларнинг урф-одати, қадриятларининг бордавомлигини таъминлаш мақсадида миллий маданият марказлари фаолияти йўлга қўйилган.

Маҳаллада Корей миллий маданият маркази фаолият олиб бормоқда. «Мерцион» қарияларни соғломлаштириш маркази ташкил этилган. Марказ маҳаллада жойлашган қишлоқ врачлик пункти билан яқин ҳамкорлик ўрнатган. Бу ҳамкорлик нафақат беморларни доволаш, балки соғлом турмуш тарзини тарғиб этишда ҳам қўл келаттир. Маҳалла аҳли турли миллат вакиллари иштирокида мусикий хор жамоасини тузишган.

Корейс, қозоқ, кирғиз, белорус, татар ва бошқа миллат вакиллари-нинг бир оила фарзандларидек аҳил-инок яшаётгани кўнгилларда шўқронлиқ тўйғуларини оширадди. Тили, дини, урф-одати турлича бўлса-да, уларни миллатлараро то-тувликни мустаҳкамлаш йўлидаги саъй-ҳаракатлар бирлаштириб ту-роди. Зотан, жаннатомонанд она-ди-ёримиз уларга ҳам қадрдон ватан. Унда яшаётган одамларнинг эса бе-гонаси йўқ.

ҚАРОР ВА ИЖРО

Диний бағрикенглик ва виждон эркинлигининг амалдаги ифодаси

< [1]

Миссионерлар тузоғига илгинган Асқар исмли йигит кириш имтиҳонларидан ўта олмай, университетда ўқиш орзусининг ушалишига тобора ишончи қусайган, жahlдор, одамови бўлиб қолган кунларнинг бирида бекатда нота-ниш киши учраб қолганини ҳикоя қи-лади. «Асабийлигимни пайқоди, шекилли, ҳушмуомалалик билан мени гапга сол-ди, — дейди у. — Унга ўқишга кирол-маётганимни айтдим. У менга кулиб қараб сўзларимни тинглар, ниҳоятда босиқ, лекин жуда синчков эди. Авто-буса чиқаётиб, интернет орқали сўх-батимизни давом эттиришга келишдик. «Сиз бахтли бўлишни истайсизми?» — унинг менга йўллаган биринчи саволи шундай эди. «Бахтли бўлишга ҳақли-ман деб ўйлайсизми?» Хар икки савол-га ҳам жавоб бераётиб беихтиёр унга тобе бўлиб қолаётганимни сезмабман. Чўнки у ва унинг маслаҳадлари бир жумлани кўп такрорлашарди: «Биз бахтга элтувчи йўлларни кўрсатамиз. Биз билан юринг...».

Яширин йиғилишларда қатнашиб юрдим. Бир сафар турли адабиётлар тарқатишдик. Уларнинг яширин фаоли-яти мени шўбҳалантира бошлади. Са-волларимга тайинли жавоб ололмай, фикрим ўзгара бошлади. «Сен, — де-ди мендаги ўзгаришни сезган раҳнамолар-дан бири, — агар қоидаларга rioя этмасанг, четлаштириласан. Кейин эса сенга оромизда асло ўрин бўлмайди!» Унинг сўзларидан кейин мен нотўғри йўлда эканимни рўйи рост тушундим. Аслида бир-бировга меҳрли бўлиш, дин-дошларни ҳурматлаш, тушунмаган ма-салаларига ойдинлик киритиш ҳар бир динга хос муҳим тамойиллардон. Улар эса бундай аъноналардан йирик эди».

Дарҳақиқат, миссионерлар кишилар орасида қийинчиликка дуч келган, маънавий ожиз инсонларни танабл, улар-ни устомонлик билан ўзларига оғдири-шади. Табиийки, инсон доимо яхшилик-ка, эзгуликка интилади. Эътиқодсиз яшай олмайдди. Шу боис жаҳолатпарастлар инсоннинг энг олий руҳий қадриятла-рига тажовуз қилишдан ҳам то-йишмайди. Юртимизда турли дин ва-киллорининг ҳеч қандай тўсиқларсиз ибодат қилишлари учун барча шаро-итлар яратилган бўлишига қарамай, улар яширин секталар тузиб, фўқро-ларни турли усуллар билан тўғри йўлдан оғдиришга уринишларининг ўзи жаҳолат белгиси эмасми? Ваҳоланки, виждон эркинлиги ҳўкм сургон респу-бликамиздаги диний ташкилотлар му-стақил ҳуқуқий шахс сифатида ер май-дони ва биноларга эга бўлишлари, ди-ний одобйётлар нашр этишлари, диний мутахассислар тайёрлашлари, турли та-дбирлар ўтказишлари, муқаддас жойлар-га зиёратлар ташкил этишларига кенг йўл очилган. Шу асосда диндорлар ўзлари хоҳлаган динга эмин-эркин эъти-қод қилиб, барча амал ва маросим-ларни тўлиқ баҳармоқдалар. Мусулмон-ларнинг Рамазон ва Қўрбон ҳайити бай-рамлари, насронийларнинг Пасха ва Рождество каби диний байрамлари кенг миқёсда нишонланмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг «Ви-ждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонуни дин муносабатла-рини тартибга солувчи асосий ҳужжат-ди. Унинг 3-моддаси виждон эркинлиги ҳуқуқига бағишланиб, «Виждон эркин-лиги фўқароларнинг ҳар қандай динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қандай динга эъти-қод қилмасликлдан иборат қофолатлан-ган конституциявий ҳуқуқидир. Фўқаро ўзининг динга, динга эътиқод қилишга ёки эътиқод этмасликлка, ибодат қилишда, ди-ний расм-русумлар ва моросимларда қатнашиш ёки қатнашмасликлка, диний ташкил олишга ўз муносабатини белги-лаётган пайтда уни у ёки бу тарзда маъжбур этишга йўл қўйилмайди. Вояга етмаган болаларни диний ташкилотлар-га жалб этиш, шунингдек, уларнинг их-тиёрига, ота-оналари ёки уларнинг ўрни-ни босувчи шахслар иштиёрига зид тарз-да динга ўқитишга йўл қўйилмайди», дея қатъий мустаҳкамлаб қўйилган.

Миллий ва диний қадриятларнинг ҳаётимизда муҳим ўрин тутиши, тари-хий хотирамизни тикилаб, ўзлимизни англоштимиздаги ўрни, янги жамият қуришда муҳим куч-қувват манбаи экан-и Юртбошимизнинг «Оллоҳ қалбимиз-да, юрагимизда» номили рисоласинида пурмаёмо фикрларида яққол ифодаси-ни топган: «...Биз ўз миллатимизни мана шу муқаддас диндан айри ҳолда асло тасаввур қила олмаймиз. Диний қадри-ятлар, исломий тушунчалар ҳаётимиз-га шу қадар сингиб кетганки, уларсиз биз ўзлигимизни йўқотамиз». Шундай экан, бугунги кунда диннинг асл моҳия-тини асраш ва тарғиб этиш, уни турли нотўғри қарашлардан ҳимоялаш, дин-нинг маънавий-моърифий салоҳиятини жамиятдаги барқарорлик, ижтимоий ҳамкорлик, конфессиялараро ҳамжиҳат-лиқни мустаҳкамлашга йўналирилган

тадбирларни кучайтириш — давр та-лаби. Бундай жараёнда фўқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг зиммасидаги масъулият ҳар қачонгидан ҳам залворли.

Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори, Вазир-лар Маҳкамасининг 2014 йил 22 февралдаги «2014 йилда фўқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаоли-яти самарадорлигини янада оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда «2014 йилда диний возиятни янада соғломлаштириш, кон-фессиялар ва миллатлараро тотувликни мустаҳкамлашга доир чора-тадбирлар Дастури»дан жойларда диний бағри-кенглик ва маънавий муҳит барқа-рорлигини асрашда бажорилиши лозим бўлган қўллаб-устувор вазифаларнинг ўрин олгани давлатимизнинг маҳалла институтига ишончини ифодалайди.

Фўқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари, Маърифат ва маънавият масалалари бўлиши, Хотин-қизлар билан ишлаш бўйича комиссиялар, «Маҳалла посбо-ни» жамоатчилик тузилмаси аъзолари-ни бу борада аниқ вазифалари бел-гиланган. Жорий йилда ҳудудларда ди-ний возиятни янада соғломлаштириш, конфессиялар ва миллатлараро тотув-ликни мустаҳкамлаш борасидаги иш-ларнинг таъсирчанлигини ошириш ҳамда ҳудудларнинг ўзига хос хусусия-тларидан келиб чиқиб, тегишли чора-тадбирлар белгилашда «Маҳалла» хай-рия жамоат фонди томонидан қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Диний тарғибот таъсирчанлигини оширишда, бу борада муайян кўнчима ва маълумотга эга бўлиш зарур. Жум-ладан, Тошкент Ислом университети ма-лака ошириш факультети, Ўзбекистон мусулмонлари идораси ва бошқа ман-фаатдор ташкилотлар томонидан таш-кил этиладиган семинарларда Фонд республика бошқаруви масул ҳодим-ларининг иштироки таъминланаётгани, шунингдек, мутсадди ҳодимларнинг махсус ўқув-курсларида қатнашаётгани жойлардаги маънавий муҳит барқарор-лигига хизмат қилмоқда.

Айни пайтда кўча-кўйда ибодат ли-босидаги, кийиниш маданияти ва аъна-наларимизга мутлақо ёт ҳолатдаги аёл-ларни тез-тез ўрнатамиз. Базован кичик ёшдаги қизалоқларнинг ҳам «хижоба»га киргани кишини ўйлантиради.

«Синфимда Мўҳиба исми қиз ўқийди, — дейди бошланғич синф ўқитувчиси Ў.Ҳамидова. — Атиги 2-синфда ўқийди-ган қизнинг рўмолга ўраниб, узун ки-йимларда келиши синфдошларига ҳам таъсир ўтказмоқда. Мактаб маъмурияти билан унинг ота-онасини қақиртириб бир неча бор сўхбатлар ўтказдик, маҳалла фаоллари, дин илмига эга мутахассис-лар иштирокида уларнинг хонадонида якка тартибда тушунтиришлар олиб бо-рилди. Чоралар таъсир қилдими, Мўҳи-ба бир-икки кун рўмолсиз юрди. Аммо ҳафта ўтмай яна ўраниб олди. Мўҳиба-га тагин дақиқ берсак, «Отам уришиди-лар-да, рўмолсиз юришим жуда катта гуноҳ экан», деди мунгли тарзда. Қизча-нинг кўзларида қандайдир ғамгинлик бор эди. Устига-устак ҳар кўни синфдошла-рининг мазоҳ қилиши, «кампир», дея рўмолини тортиб қочишларидан шикоят қилиб, қамситишлардан ўпкаси тўлиб, хўрсиниб-хўрсиниб йилларди. Кейинчалик бошқа синф ўқувчилари ҳам уни мазоҳ қила бошлашди. Болалар қизчанинг ғай-риоддий ташқи қиёфасини қабул қила-олишмас, тановфусларда яна шу ҳолат-лар такрорланаверарди. Бир сафар дом олиш кўни уни кўчада учратиб қол-дим. Қизча менга салом берди ва синг-лисини ўйнатиб юрганини айтиб, ар-ғимчқоч ўчаётган болалар томон ишора қилди. Не кўз билан кўрайки, икки ярим-уқ ёшлардаги қизалоқ — унинг синглиси ҳам «хижоба»га қирманган, эғнидаги кий-иллари ерга сўдралар эди. Уни бир пас кузатдим. Қизалоқ тенгқур болалар би-лан ўйнагиси, чопқиллаб югургиси ке-лар, аммо кийимлари халал бергани-дан гоҳ иймлики тушар, бўзвон рўмо-ли рашини келтирганидан уни тортки-лаб ечиб ташламоқчи бўларди. Кун-нинг иссиқлиги эса боқякиши янаям кий-нарди. Наҳотки, ота-оналарнинг мута-асиблиги учун беғуноҳ гўдаклар азият чекса? Уларнинг беғубор болалиги пой-мо бўлса? Бундай муҳитда улғаяётган фарзандлар қандай ғоялар таъсирида қолмоқда? Нима сабабдан айрим оила-лар қонунларимизда ушбу ҳолатларни тартибга солувчи қоида ва меъёрлар-га rioя этмапти?»

Дарҳақиқат, «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қону-нинг 14-моддасида: «Ўзбекистон Респу-бликаси фўқароларнинг (диний ташкилот-ларнинг хизматидегилар бундан мустас-но) жамоат жойларида ибодат либос-

ларида юришларига йўл қўйилмайди», дея қатъий белгиланган. Ушбу меъёр-ларга амал қилмаганлар қонунларда белгиланган тартибда жазога тортила-дилар. Диний маросим ва кийиниш қоидалари маҳаллаларда кенг жамоат-чилик иштирокида ташкиллаштирилаёт-ган тадбирларда, отинойилар маъруза-ларида тушунтирилоётди. Жумладан, ўтган йили диний ва маънавий-ахлоқий муҳитнинг барқарорлигини таъминлаш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш мақсадида аҳоли ўртасида диний экстремизм, миссионерлик ҳамда диний ақидапарастлиқнинг турли кўринишла-рига барҳам беришга қаратилган дав-ра сўхбатлари ва маърифий тадбирлар ташкил этиш мақсадида «Маҳалла» хай-рия жамоат фонди ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйи-ча қўмита, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Республика Маънавият тарғи-бот маркази, «Қамолот» ЕИҲ Марказий Кенгаши ўртасида «Маҳаллаларда бар-қарор диний ва маънавий-ахлоқий му-ҳитни таъминлаш, соғлом турмуш тарзи-ни шакллантириш мақсадида аҳоли ўртасида диний экстремизм, миссионер-лик ҳамда диний ақидапарастлиқнинг тур-ли кўринишларига барҳам беришга қаратилган давра сўхбатлари ва маъ-рифий тадбирларни ҳудудларда ташкил этиш тўғрисида»ги қўшма қарор тасдиқ-ланди. Мазкур қарорга асосан, бирги-на Обод турмуш йили мобайнида ма-ҳаллаларда 13 мингдан ортиқ маъна-вий-маърифий тадбирлар, давра сўхбат-лари ва мулоқотлар ўтказилди. Аҳоли, хусусан, ота-оналар ўртасида мафқура-вий, ғоявий ва ахборот ҳуружларининг салбий оқибатлари тўғрисида мунтазам тарғибот ишларини олиб бориш йўлга қўйилиб, 22 мингга яқин тадбирлар таш-киллаштирилди. Уларга 1 миллиондан зиёд аҳоли вакиллари жалб этилди. Бун-дай тарғибот ишлари жорий йилда ҳам тизимли равишда ташкил этилмоқда.

— Бугунги кунда отинойилар фаоли-ятини тартибга келтириш билан боғлиқ чора-тадбирларни ташкиллаштириш ҳамда аёллар орасида диний мутаас-сиблиқнинг олдини олишга қаратилган тушунтириш ишлари ва профилактик тадбирларни кучайтиришнинг аҳамияти катта, — дейди «Маҳалла» хайрия жа-моат фонди республика бошқаруви ра-иси ўринбосари Г.Алимова. — Мазкур ишларда турли диний экстремистик оқим-ларга мансуб ёки мойиллиги бор барча хотин-қизларни қамраб олишга эътибор қаратиш, улар билан алоҳида сўхбат-лар ўтказиш самарадорлиқни кучайти-ради. Вақтинча ишсиз аёллар ва ўй бе-қалар билан диний экстремистик оқим аъзолари, миссионерлар фаолияти таъ-сирига тушиб қолишининг олдини олиш-га қаратилган тушунтириш ва профи-лактик ишларни ташкил этиш, жойлар-да аҳоли ўртасида фўқаролар йиғинла-рининг барча ходимлари, маҳалла фа-оллари орқали диний экстремизм ва мис-сионерлик билан боғлиқ таҳдидлар ҳақида зарур тушунчаларни шаклла-нтириш ва маҳаллаларда оғоҳлиқни кучайтириш чоралари кўрилмақда. Фон-дининг ҳудудий бўлималарига ҳамда фу-қароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига бу борадаги долзарб ва-зифаларни амалга ошириш юзасидан амалий-услубий ёрдам кўрсатилоётди.

Қолаверса, диний экстремистик оқим таъсирига тушиб қолган фўқароларнинг оила аъзолари билан профилактик ту-шунтириш ишлари олиб бориш, ма-ҳалладаги барча тадбирларга жалб этиш ҳам уларни тўғри йўлга бошла-ши, муҳими, яққоланиб қолишдан ас-роши табиий. Меҳнат мигрантлари қолма қолмай яшаш жойларидан узок муддатга кетганларни ҳам диний экстремистик оқимлар таъсирига тушиб қол-маслигига ҳеч қим қафолат бера ол-майди. Бундай ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган тарғибот, тушунти-риш ишлари самарадорлигини ошириш ва белгиланган чора-тадбирларни ман-зилли ўтказишга алоҳида эътибор қара-тилмоқда. Жойларда ноқонуний диний тарғибот, миссионерлик ҳолатларининг олдини олиш ва ушбу масала бўйича жамоатчилик назорати ўрнатилиши ҳам аҳолини, айниқса, ёш авлодни ушбу ил-лат домига тушиб қолишдан асрайди.

Динлараро бағрикенглик нафокат диндорларнинг, балки бутун жамият аъзоларининг эзгулиги йўлидаги ҳамкор-лигини юзага қикардиган, тинчлик ва барқарорликнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Қадимдан юртимиз-нинг ийрик сингаларларида масжидлар, черковлар, синагогалар фаолият кўрса-тиб келгани, тарихнинг синовли дамла-рида ҳам диний асосда моҳорларар чиқ-магани халқимизнинг динлараро бағ-рикенглик борасида улкан тажрибага эгалигидан далолат беради. Шундай экан, бир замин, бир Ватанда, олижа-ноб ғоя ва эзгу мақсадлар йўлида ки-шиларнинг ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб яшаш жойларидаги маънавий муҳит барқарорлигига хизмат қилади.

Замонавий хизматдан фойдаланинг

Мамлакатимиз тараққиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши халқимиз учун муносиб ҳаёт шароити яратишда муҳим омиллардан биридир. Бунда, албатта, молия муассасаларининг кўмаги алоҳида аҳамият касб этади. Бугунги кунда уларнинг ёрдами билан тадбиркорлик субъектлари сони ортиб, янги иш ўринлари яратилаётир.

ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасида танлов ўтказилди. Унда тадбиркорлик субъектлари томонидан кўплаб лойиҳалар тақдим этилди.

Танлов доирасида асосий эътибор яратилган янги иш ўринлари, шу жумладан, касб-хувор коллежлари битирувчилари бондлинги таяминлаш ёш оилаларни ҳамда аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашга, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга, шунингдек, ички истеъмол бозорини сиқати ва рақобатбардор озиқ-овқат маҳсулотлари ва маҳаллий нооziқ-овқат истеъмол товарлари билан тўлдиришга йўналтирилган лойиҳаларга қаратилди.

— 2014-2015 ўқув йили учун «Asaka» давлат-акциядорлик тижорат банксининг таълим кредитини олиш хуқуқини қўлга киритганим-дан хурсандим. Ўшбу кредит маблагини мана келажакдаги мақсад ва режаларимни рўёбга чиқаришимга имкон беради.

Хуллас, ўшбу молия муассасасининг замонвий ва тезкор хизматларидан мижозлар мамнун.

Мухтасар айтганда, аҳоли манфаатини ўйлаб олиб борилаётган кенг қўламли ишлар эл маъмурлигини, олинган мўл ҳосилдан келадиган даромад эвазига моддий фаровонликни таъминлашга хизмат қилмоқда.